

9. Lazarov D. and Petreski G. Export Complexity and Economic Growth: Empirical Analysis for Selected CEE Countries, Croatian Economic Survey, vol. 25, no. 2, pp. 41-65, Dec. 2023, doi: 10.15179/ces.25.2.2.
10. Böschemeier J. and Jochem A. The effect of foreign carbon prices on German outward FDI, Econ Lett, vol. 234, p. 111499, Jan. 2024, doi: 10.1016/j.econlet.2023.111499.
11. Zaman G. and Vasile V. Macroeconomic Impact of FDI in Romania, Procedia Economics and Finance, vol. 3, pp. 3-11, 2012, doi: 10.1016/s2212-5671(12)00113-x.
12. Kapoor K. and Arora R. Impact of outward FDI on exports: a theoretical and empirical review, Transnational Corporations Review, 2022, doi: 10.1080/19186444.2022.2040346.
13. Aurangzeb Z. and Stengos T., The role of Foreign Direct Investment (FDI) in a dualistic growth framework: A smooth coefficient semi-parametric approach, Borsa Istanbul Review, vol. 14, no. 3. Borsa Istanbul Anonim Sirketi, pp. 133-144, Sep. 01, 2014. doi: 10.1016/j.bir.2014.06.004.
14. Blomström, M., & Kokko, A. (2003). The Economics of Foreign Direct Investment Incentives. NBER Working Paper Series.
15. Görg, H., & Greenaway, D. (2004). Much Ado About Nothing? Do Domestic Firms Really Benefit from Foreign Direct Investment? The World Bank Research Observer, 19(2), 171-197.
16. Yeaple, S.R. (2003). The Complex Integration Strategies of Multinationals and Cross Country Dependencies in the Structure of Foreign Direct Investment. Journal of International Economics, 60(2), 293-314.
17. Goldberg, P.K., & Klein, M.W. (2016). Product Diversification in Export Markets. Journal of International Economics, 99, 179-196.
18. Agosin, M.R., & Mayer, R. (2000). Foreign Investment in Developing Countries: Does it Crowd in Domestic Investment? UNCTAD Discussion Paper Series.
19. United Nations Conference on Trade and Development (UNCTAD). (2018). World Investment Report. United Nations Publications.



ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Жонузаков Мирзабек Кулмаматович
Тошкент давлат иқтисодиёт университети Бизнес ва бошқарув кафедраси ўқитувчisi

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss2/a6

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон олий таълимини ривожлантиришда соҳага инвестицияларни киритиш керак эканлиги ифодаланди ҳамда инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда алоҳида қўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш зарурлиги илмий асосланилди.

Калим сўзлар: таълим хизматлари, таълим хизматлари бозори, инвестицияларни баҳолаш, инвестициялар самарадорлиги, инвестиция лойиҳалари, рақамли инвестиция, инвестиция жозибадорлиги, рақамли олий таълим хизмати.

ОЦЕНКА ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИНВЕСТИЦИЙ В ВЫСШЕЕ ОБРАЗОВАНИЕ

Джонузаков Мирзабек Кулмаматович
Преподаватель кафедры "Бизнеса и менеджмента"
Ташкентского государственного экономического университета

Аннотация. В данной статье показывается, что необходимо осуществлять инвестиции в сферу развития высшего образования в Узбекистане, а также научно обоснована необходимость использования специальной системы показателей при оценке экономической эффективности инвестиций.

Ключевые слова: образовательные услуги, рынок образовательных услуг, оценка инвестиций, эффективность инвестиций, инвестиционные проекты, цифровые инвестиции, инвестиционная привлекательность, услуга цифрового высшего образования.

ASSESSMENT OF THE ECONOMIC EFFICIENCY OF INVESTMENTS IN HIGHER EDUCATION

Jonuzakov Mirzabek Kulmamatovich

*Lecturer at the Department of Business and Management at
Tashkent State University of Economics*

Annotation. This article shows that it is necessary to invest in the development of higher education in Uzbekistan, and also scientifically substantiates the need to use a special system of indicators when assessing the economic efficiency of investments.

Key words: educational services, educational services market, investment assessment, investment efficiency, investment projects, digital investments, investment attractiveness, digital higher education service.

Кириш. Ўзбекистон олий таълим министроти ривожлантиришга устуворлик беришда муҳим мақсад сифатида "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси" ҳамда "Ўзбекистон – 2030" стратегиясида белгилаб берилганидек, "Олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш ва таълим сифатини ошириш"[1], "бешта олий таълим муассасаларини миллий тадқиқот олийгоҳига айлантириш, қўшимча 120 минг ўринли ўқув бинолари ҳамда 150 минг ўринли талабалар тураг жойини қуриш"[2] вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларниг олий таълим соҳасидаги ижроси сифатида катта ҳажмдаги инвестицияларни таълим соҳасига жалб қилишни қўпайтириш, яъни инвестициявий жозиаборликни тақозо этади.

Шунингдек, ушбу жараённинг энг муҳим жиҳати олий таълим соҳасига киритилаётган инвестицияларнинг қанчалик иқтисодий натижадорлигини аниқлаш ва бунинг учун эса инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш зарурати ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Мамлакатимизда Янги Ўзбекистон иқтисодиётини жадал ривожлантириш юқори малакали олий маълумотли соҳа мутахассисларини тайёрлашни тақозо этади ва мазкур жараён таълим хизматларини сифатли амалга ошириш билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Бизга маълумки, олий таълим олишнинг асосий масканлари турли олий ўқув юртлари – университетлар, академиялар ва институтлар бўлиб, уларда сифатли таълимни амалга ошириш жараёни молиявий-инвестициявий қўллаб-қувватлашни тақозо этади. Таъкидлаш жоизки, сифатли таълим хизматларини амалга ошириш самарали инвестициявий жозиаборлик билан бевосита боғланган. Шундай экан, ушбу жараённи тизимли амалга ошириш таълим хизматларининг иқтисодий моҳиятини очиб беришни тақозо этади.

Таълим хизматлари тўғрисида бир қатор соҳа олимлари ва мутахассисларининг илмий қарашлари, фикрлари шаклланган. Ушбу соҳа бўйича етакчи олимлардан Л.В.Захарованинг фикрига кўра, "таълим хизматлари замонавий фан ва техника ютуқлари асосида у ёки бу кўринишдаги касбий фаолиятда амал қилиши учун зарур билим, маҳорат, кўникмаларини эгаллашда жисмоний ва юридик шахслар эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ўқув юртлари фаолиятидир"[3]. Шунингдек, соҳа етакчи олими Д.В.Маслова фикрича, "таълим хизматлари – инсоннинг меҳнатга турли хил қобилиятларининг шаклланиш жараёни, яъни комплекс манфаатлари шаклини қабул қилувчи инсон капиталига инвестициялашдир"[4]. Шу билан бирга, бошқа бир иқтисодчи олимлар ҳам ўз қарашларини баён қилишган, жумладан, Т.А.Соњнинг фикрича, "таълим хизматлари ишчи кучини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга ҳамда ходимнинг касб ёки малака олишига, қайта малакадан ўтишига, ишлаб чиқариш талабини қондиришга йўналтирилган ўқув юртининг ўқув, бошқарув ва молиявий натижасидир[5]".

Бошқа бир соҳа мутахассиси М.А.Лукашенко ўзининг илмий ишларида: "Таълим хизматлари таълимда субъектлар эҳтиёжларини қондирувчи ва бундай фаолиятга олиб борувчи буюм шаклида таълим маҳсулотлари ўтасидаги жами мақсадга мувофиқ фаолиятдир[6]", – деб таъкидлаган.

Республикамиз олимлари ҳам бу борада ўз фикрларини баён қилишган. Айниқса, профессор Г.А.Охунованинг фикрига кўра, таълим хизматларининг моҳияти таълим хизматлари бозори билан бевосита боғлиқ эканлиги илмий асосланган бўлиб, унга кўра, "таълим хизматлари бозори – таълим хизматларининг олди-сотди жараёнлари юзасидан иқтисодий муносабатлар соҳаси"дир[7].

Професор М.Муҳаммедов фикрига кўра, "Таълим хизматлари ҳар қандай товар сингари

реал амал қиласы, яғни жами мавжуд ва потенциал харидорлар ҳамда товар сотовчилари сифатида тушунилади. Бу жараёнда таълим хизматлари бозори ўзида асосий хўжалик субъектлари (алоҳида шахслар, уй хўжаликлири, корхона ва ташкилотлар, давлат) томонидан таълим хизматларига талаб ва уларга турли ўқув юртлари томонидан таклиф ўртасида ўзаро таъсир этувчи бозорни намоён этади”[8].

Шундай экан, юқоридагилардан келиб чиқиб, бизнинг фикримизча, олий таълимда таълим хизматлари соҳасига киритилаётган инвестициялардан самарали фойдаланишга асосланган сифатли таълим (билим, малака, кўнинма) бериш фаолияти жараёнидир.

Тадқиқот методологияси. Мазкур тадқиқот ишида билиш назариясининг мантиқий ёндашув, индукция ва дедукция, қиёсий ва омилли таҳлил, замон ва макон, таққослаш, монографик қузатиш каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Республикаизда олий таълим хизматларини юқори самарали ташкил этиш олий таълимга киритида-диган инвестициялар ва уларнинг натижадорлигига бевосита боғлиқ бўлади. Республикаиз олий таълим тизимида инвестицияларни катта ҳажмда ва юқори самарадорликда киритиш зарурати қўйидагиларни тақозо этади. Булар жумласига: биринчидан, олий таълим хизматларини хорижий давлатлар университетлари тажрибасини қўллаган ҳолда замонавийлаштириш учун соҳага янги техника ва технологияларни жалб этиш; иккинчидан, мавжуд олий таълим хизматларини янги турлари бўйича диверсификациялаш; учинчидан,

олий таълим тизимини давлат-хусусий шерикчилик асосида ривожлантириш; тўртинчидан, соҳани рақамлаштириш ва рақамли технологияларни таълим тизимида жорий этиш; бешинчидан, республика олий таълим тизими муассасаларини халқаро университетлар талаби даражасига етказиш кабилардан иборат.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, олий таълим соҳасига инвестицияларни киритиш инвестиция самарадорлигига бевосита боғлиқ ҳисобланади. Мазкур жараён олий таълим тизимида инвестицияларни баҳолаш асосида амалга оширилади ва қўйидаги вазифаларни бажаради. Булар қўйидагилардан иборат:

1. Инвестицияларни объектив баҳолаш асосида киритилаётган капитал қўйилмаларнинг қопланиш муддати, мақсадга йўналтирилганлиги аниқ кафолатланади.

2. Кўшимча олий таълим хизматларини кўпайтириш имкониятини яратади.

3. Олий таълим муассасаларида (университетлар, институтлар, академиялар) таълим харажатларини доимо назоратда сақлаш ва шу асосда уларни камайтириш имкониятини кўрсатиб беради.

4. Олий таълим муассасаларидан олиандиган фойда ва даромадлилик даражасини қанчалик ошириш имкониятини ифодалайди.

5. Алоҳида олинган ҳар бир олий таълим муассасасида (хизмат турлари бўйича) инвестицион лойиҳаларнинг натижадорлигини таққослаш имкониятини яратади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, республика олий таълим тизимида киритилаётган инвестициялар самарадорлигига таъсир этувчи омиллар илмий асосланилди (1-расм).

Олий таълимда инвестициялар иқтисодий самарадорлигини баҳолашга таъсир этувчи омиллар

	Инвестиция лойиҳаларининг муқобиллик асосида танланганлик даражаси ва хукуқий-меъёрий хужжатларнинг мавжудлиги
	Олий таълим хизматлари учун киритилаётган инвестицияларнинг натижадорлиги
	Вақт омили (бажарилиш вақт оралиғининг тўғри ҳисобланганлиги)
	Олий таълимга киритилаётган инвестицияларнинг юқори даромад, фойда олишга йўналтирилганлиги
	Олий таълимнинг инвестициявий жозибадорлик даражаси, инвестиция мухитининг мавжудлиги
	Инвестициялар иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларининг илмий асосланганлиги

1-расм. Республика олий таълим тизимида киритилаётган инвестициялар иқтисодий самарадорлигини баҳолашга таъсир этувчи омиллар

Таъкидлаш жоизки, бизнинг илмий тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, олий таълимга киритилаётган инвестиция самарадорлигини объектив баҳолаш имкониятини яратувчи бир қатор иқтисодий кўрсаткичлар таклиф этилди. Булар қўйидагилардан иборат:

1. Инвестицияларнинг ҳар бир сўмига тўғри келувчи олий таълим хизматлари инвестициялар самарадорлиги ($IS_{(x)}$):

$$IS(x) = \frac{(JMM_1 - JXX_0)}{\Delta I}$$

Бу ерда:

IS – олий таълим хизматларида инвестициялар самарадорлиги;

JXX_0 – олий таълимда ялпи хизматлар ҳажми (бирламчи инвестиция);

JXX_1 – олий таълим ялпи хизмат ҳажми (қўшимча инвестициялар);

ΔI – қўшимча инвестициялар миқдори.

2. Олий таълимда инвестицияларнинг ҳар бир сўмига (хизматлар таннархи) тўғри келадиган харажатлар (натижадорлиги) самарадорлиги ($IS_{(OT)}$):

$$IS_{(OT)} = \frac{MX(X_{TO} - X_{T_1})}{\Delta I}$$

Бу ерда:

$IS_{(OT)}$ – олий таълимда инвестицияларнинг ҳар бир сўмига тўғри келадиган харажатлар самарадорлиги;

X_{TO} – олий таълимда хизмат бирлиги таннархи (бирламчи инвестиция);

X_{T_1} – олий таълимда хизматлар бирлиги таннархи (қўшимча инвестиция);

MX – қўшимча инвестиция киритилгандан, йиллик хизмат ҳажми (ўлчов бирлиги);

ΔI – қўшимча инвестиция миқдори.

3. Олий таълимга киритилаётган инвестицияларнинг ҳар бир сўм фойда ҳисобига олинган самарадорлик ($IS_{(XF)}$):

$$IS_{(XF)} = \frac{MX(F_1 - F_0)}{\Delta I}$$

Бу ерда:

$IS_{(XF)}$ – олий таълимга киритилаётган инвестициянинг ҳар бир сўм фойда ҳисобига олинган самарадорлик;

MX – қўшимча инвестиция киритилгандан кейинги олий таълимда хизматлар ҳажми;

F_0 – хизматга тўғри келувчи фойда (бирламчи инвестиция ҳисоби);

F_1 – хизматга тўғри келувчи фойда (қўшимча инвестиция ҳисоби);

ΔI – қўшимча инвестициялар миқдори.

Ушбу инвестиция салоҳиятини очиб беришда унга таъсир этувчи омиллар илмий асосланган.

4. Республика олий таълимида инвестициявий жозибадорлик даражасини ифодаловчи коэффициент (Ижде):

$$I_{ждк} = \frac{I_{k1} + I_{k2} \dots I_{kn}}{n} x K_{инд}$$

Бу ерда:

$I_{ждк}$ – олий таълимда инвестиция жозибадорлик даражасини ифодаловчи коэффициент;

I_{k1} – инвестиция жозибадорлик даражасини баҳоловчи биринчи омил кўрсаткичи;

I_{k2} – олий таълимда инвестиция жозибадорлигини баҳоловчи иккинчи омил кўрсаткичи;

n – инвестиция жозибадорлиги ифодаловчи барча омиллар сони;

$K_{инд}$ – таълим соҳасининг инвестициявий жозибадорлик коэффиценти (0,1-1,0).

Юқорида баён қилинган олий таълимда инвестиция жозибадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар орқали қўйидагиларни ҳисоблаш тавсия этилади:

I_{k1} – олий таълимдан олинадиган даромаднинг ЯИМдаги улушки;

I_{k2} – олий таълимда 1 нафар битирувчи талабага яратиладиган фойда (даромад);

I_{k3} – 1 нафар профессор-ўқитувчи томонидан яратиладиган (таълим хизмати илмий тадқиқот маҳсулоти) даромаднинг жами OTMдаги улушки;

I_{k4} – олий таълим хизматлари экспортининг жами экспортдаги салмоғи.

Хуласа ва таклифлар. Ўзбекистонда юқори малакали олий маълумотли кадрлар тайёрлашда олий таълим хизматлари киритилган инвестициялар муҳим ҳисобланиб, уларнинг иқтисодий самарадорлиги янги иқтисодий имкониятларни очиб беради. Булар қўйидагилардан иборат:

биринчидан, инвестиция самарадорлигини баҳолаш олий таълимда мавжуд иқтисодий, молиявий ресурсларни тежаш имкониятини яратади ва улар натижадорлигини оширади;

иккинчидан, олий таълимда сифатли таълим хизматлари орқали юқори даромад ва фойда олиш имкониятини очиб беради;

учинчидан, олий таълимни замонавийлаштиради ҳамда рақамлашган хизмат турларини кўпайтириш ҳисобига соҳада коррупцион ҳолатлар олди олинади ва тизимли ривожланиш таъминланади;

тўртинчидан, республикада олий таълим хизматларини ривожлантириш орқали

Учинчи Ренессансни шакллантирувчи ёш авлодни тарбиялаш имконияти яратилади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида" ПК-60-сонли фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги "Ўзбекистон – 2030" стратегияси тўғрисида ПФ-158-сонли фармони.
3. Захарова Л.В. Формирование и развитие образовательных услуг. Авторефер. дисс. канд. эконом. наук. – Белград, 2022.
4. Маслова Д.В. Рынок образовательных услуг: методологические аспекты. Автореф. дисс. канд. эконом. наук. – Ярославль, 2002.
5. Соњ Т.А. Формирование рынка образовательных услуг. www.: marketing/spb.ru
6. Лукашенко М.А. Высшее учебное заведение на рынке образовательных услуг: актуальные проблемы управления. – М.: Изд. "Маркет. ДС.", 2003. – 358 с.
7. Охунова Г.А. Ўзбекистонда таълим хизматлари маркетинги муаммолари. Тошкент давлат иқтисодиёт университети. – Т.: Иқтисодиёт ва молия, 2005. – 244 б.
8. Муҳаммединов М. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. Монография. – Самарқанд: "Зарафшон" нашриёти, 2017 йил. – 161 б.
9. Мирзаев Қ.Ж, Шавқиев Э.Ш., Жанзаков Б.К. Инновацион иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. – Т.: "Инновацион ривожланиши" нашриёт-матбаа уйи, 2020. – 298 бет.
10. Mirzaev, K. The market livestock service of the Republic Uzbekistan // Spanish journal of rural development University of Santiago de Compostela. Volume II. No 2. Spain. 2011. P. 97-106.
11. Mirzaev, K. (2011). Approaches and issues for developing livestock services in Uzbekistan. Perspectives of Innovations, Economics and Business, PIEB, 8(2), 23-25.
12. Mirzaev, D.K., & Janzakov, B. (2020). The determinants of international tourism (in the example of CIS countries). European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 7(2), 1125-1133.



ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Сатторкулов Обидкул Турдикулович

И.ф.н., доцент

Гулистон давлатуниверситети

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss2/a7

Аннотация. Мазкур мақолада мамлакатимизда инновацион тараққиётнинг иқтисодий жиҳатлари, унга таъсир этувчи омиллар гуруҳи, давлатнинг илмий-техник сиёсати йўналишлари ва уларни амалга ошириш борасида қабул қилинаётган чора тадбирлар статистик маълумотлар асосида ёритилган ҳамда керакли илмий хуолосалар ясалган.

Ключевые слова: инновация, инновацион сиёсат, ихтиро, юқори технология, инсон капитали, фан ютуқлари, бренд, илмий дастур, илмий ҳамкорлик.

ЭКОНОМИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ

Сатторкулов Обидкул Турдикулович

К.э.н., доцент

Гулистанский государственный университет

Аннотация. В данной статье на основе статистических данных изучены экономические аспекты инновационного развития в нашей стране, группа факторов, влияющих на него, направления научно-технической политики государства и меры, принимаемые для их реализации, а также сделаны необходимые научные выводы.

Ключевые слова: инновации, инновационная политика, изобретение, высокая технология, человеческий капитал, научные достижения, бренд, научная программа, научное сотрудничество.